

## **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Халикова Латофат Уктамовна**

Тошкент давлат транспорт университети

“Чет тиллар” кафедраси ўқитувчиси

**Мустафаева Камола Нуриддин қизи.**

Транспорт тизимлари Бошқаруви факультети

магистратура 1-босқич талабаси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада асосан ҳозирги замонавий педагогикада креатив педагогика бўлажак кашфиётчиларнинг равнақ топишида катта пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳар бир ўқувчининг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра педагогнинг яратувчанлик қобилиятига ҳам боғлиқ. Дарсни мукамал даражада янгилик ярата олган педагог келажакда етук олимлар сафини кенгайтишида ўз хиссасини қўшади. Мақолада педагогнинг ўқувчининг ана шу каби хислатларини ривожлантиришида креатив қобилиятининг долзарблиги ва амалий аҳамияти хусусида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар;** Шахс, Патти Дранеау, яратувчанлик, креативлик, қобилият, педагогика, талаба- ёшлар, ўқувчи, зарб, шарқ.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье творческая педагогика играет важную роль в развитии будущих новаторов в современной педагогике. Профессиональный рост и развитие каждого студента как специалиста зависит от творческих способностей педагога. Педагог, умеющий в совершенстве инновировать урок, будет способствовать расширению рядов зрелых учёных в будущем. В статье говорится об актуальности и практической значимости творческих способностей педагога в развитии таких качеств ученика..*

***Ключевые слово:** Человек, Пэтти Драпо, творчество, творчество, способности, педагогика, студенческая молодежь, читатель, запад, восток.*

### **ABSTRACT**

*In this article, creative pedagogy plays a major role in the development of future innovators in modern pedagogy. The professional growth and development of each student as a specialist depends on the creative ability of the pedagogue. A pedagogue who can perfectly innovate a lesson will contribute to the expansion of the ranks of mature scientists in the future. The article talks about the relevance and practical*

*importance of the creative ability of the pedagogue in developing such qualities of the student.*

**Key words:** *Person, Patty Drapeau, creativity, creativity, ability, pedagogy, student-youth, reader, west, east.*

## **КИРИШ**

Умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг креатив тафаккурини шакллантириш замонавий таълим парадигмаларининг ўзгаришини ҳам талаб этади. Бу парадигмалар ўқувчиларга тайёр мавжуд билимларни ўзлаштиришни эмас, балки энг асосий, зарур билимга қандай қилиб эга бўлиш қобилиятини шакллантиришга қаратилгандир. Ўқув фаолиятини самарали ташкил қилиш, дарс жараёнида маъруза ва амалий машғулотлардан тўғри фойдаланиш орқали амалга оширилади. Машғулотлар жараёнида улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ва ўзаро узвий боғлиқ ҳолда қўллай олиш таълим ва тажриба самарадорлигининг муҳим омилларидан биридир.

О.Д.Никитин фикрига кўра “Тадқиқот жараёнида шахснинг учта ташкил этувчиси (ментал, эмоционал, жисмоний) ажратиб кўрсатилган. Амалиёт даражасида ментал, эмоционал ва жисмоний ташкил этувчилар орасидаги муносабатни учта кесишувчи соҳалар шаклида акс эттириш мумкин. Бундай ҳолатда таълим олиш жараёни барча уч соҳага ҳам таъсирини ўтказди, креативликнинг ўсиши эса, уларнинг тартибга солинган ўзаро таъсири ва бу компонентларнинг интеграциялашуви жараёнини ўзида намоён этади[1]. Педагогик ва психологик технология ишларини шахснинг у ёки бу қисмига таъсири даражаси бўйича уларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ментал (маъруза, расм, таҳлил-жараёни, роль ўйнаш орқали ўзаро таъсир); эмоционал (психодрама, роллик моделлаштириш, гештальттерапия, проектив расм); жисмоний (ҳаракатланиб ишлаш, психодрама, чуқур ботиниш).

Мисол учун, бошини стол устига қўйиб мизғиётган талабанинг хатти-ҳаракатидан ўқитувчи парво қилмайди. Унинг сафи кўпайди. Бошқалар ҳам бир-бир мизғишга тушди. Ўқитувчининг овозининг беўхшовлиги, секин гапириши маърузани ҳам зерикарли ўтишидан бутун аудитория уйқуга кетишга озгина қолди. Натижада талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўпчиликнинг таълим олишга қизиқиши йўқолган. Энг ёмони ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу шавқ билан касбий фаолияти давом этмади. Аҳвол ўзгаришсиз қолмоқда. Вазиятни чамалаб кўрилганда бундай маърузалар талаба учун қизиқ эмас. Масалани чуқурроқ ўйлаб кўрилганда ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилиши юқоридаги ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Уни бартараф этиш учун

анъанавий дасрлардан воз кечиш, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омилдир. Ўқув машғулотларида етишмаётган бу масала албатта, – креативликдир. Аввало, педагогнинг креативлик соҳасига фикр билдирилар экан, мавзу юзасидан ғарб, шарқ педагогларнинг адабиётларига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчаси Кен Робинсоннинг фикрларига мурожаат қилинади. Унинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматиغا эга оригинал ғоялар мажмуи” саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир. “Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизда ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил- мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Ғарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгалликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.). Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. Яна у:” ҳар томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди” дейди. Унинг фмқрича мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Таклиф этилган юқоридаги мисоллардан мантиқий боғланишда ва ўқитиш ҳамда гуруҳда иш олиб бориш босқичлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу шартларга амал қилинганда билим ва тажриба бир-бирини тўлдириб боради. Шунини ҳисобга олиш керакки, амалиётни бир контекстдан иккинчисига кўчирилганда, амалиётнинг ҳамда контекстнинг ўзгариши юзага келади. Буни ҳисобга олиб айтиб мумкинки, эскисидан фарқ қилувчи қандайдир натижалар билан янги композиция пайдо бўлади ва аксарият ҳолларда бундай натижанинг оқибатини олдиндан мўлжаллаб бўлмайди. Шу сабабли, қисмларга ажратиб таҳлил этишни ва эҳтиёткорона муносабатни талаб этувчи, ноаниқ муносабатли куч билан эксперимент сифатида бошқа контекстли амалиёт турини ҳар қандай силжитишни кўриб чиқиш зарур.

Таклиф этилган мисоллар натижаси: шахснинг ментал, эмоционал ва жисмоний ташкил этувчиларини гармоник ривожлантириш, креативликни ривожлантириш, касбий кўникма ишларини ўзлаштиришни назарда тутати. Ушбу модель контекстида, фаолият маҳсулдорлиги мавжудлигини талаб қилувчи, шароитларда, ижодий, ностандарт қарор қабул қилувчи шахснинг қобилияти сифатида, креативлик тушунчаси аниқлаштирилган” – деб таъкидлайди[3].

Келтирилган тавсифларни таҳлил этиш натижасида билимлар изланиш ва фикрлаш фаолиятлари, ижод жараёни маҳсули сифатида турли хил шаклларда тизимли, фанлараро ҳамда умумлаштирилган ҳолда аниқлаб олиш мумкин: Компетентли ёндашув дарсларида талабаларни фаоллаштириш учун индивидуал ва табақалашган ёндашувдан фойдаланамиз. Дарс давомида талабаларга табақалаштирилган ёндашиш деганда, мустақил ўқув фаолиятини бошқаришнинг шундай тизими тушуниладики, бунда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Бу талабаларнинг билиш фаолиятини маълум тизимда бошқариш билан борадиган ўқув-тарбиявий жараёндир. Шунга мос ҳолда ўқитишни ташкил этиш индивидуаллаштирилган ўқитиш дейилади”- деб таъкидлайди[2].

Э.Б.Хужанов таъкидлашича “Табиий фанларни ўқитиш методикасида статистик методни дидактика тамойилларига мос равишда қўллаш кутилган ижобий натижани беради. Умумий ўрта таълим мактабларида табиий фанларни ўқитишда статистик кузатув, ўрганилаётган объектларни гуруҳлаш, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, статистик катталикларни график, жадвал ёки матн кўринишида тасвирлаш каби

усуллардан фойдаланиш таълим сарадорлигининг ошишига имкон беради”- деган хулосага келган[2].

Компетенциявий ёндошувни қўллаш шарт-шароитлари таҳлили натижалари қўйидаги хулосаларни чиқариш имкониятини берди: умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлигига қаратилган креатив фикрлашни ривожлантириш муаммосидаги, ўқитишнинг ташкилий шакллари орасида назарий ёки амалий машғулотни ажратиб кўрсатиш мумкин. Дидактик талаблардан бири ўқитишдаги изчиллик (билим ва маҳорат, креатив фикрлашни ривожлантириш мақсадларида олдин ўтилган амалий машғулотлар ва маърузалар билан алоқаси) ни таъминлаш зарурияти пайдо бўлади.

Таҳлил натижаларига таяниб, ўқувчиларда креатив фикрлашни ривожлантиришда, қўйидаги кетма-кетликка эътибор қаратиш зарур деган хулосага келдик: 1.Машғулотнинг чақириқ босқичи. Бу босқичда ўқувчиларни фаоллаштириш, мавзунинг мазмун-моҳиятига ўқувчиларнинг чуқур кириб боришлари, уни тўлиқ англаб етишлари жараёнига тайёрлашни амалга ошириш зарурияти; 2.Машғулот жараёнида креатив фикрлашни ривожлантириш методларини қўллаш босқичи. Бу усуллар ўқув машғулотининг бошланишида ёки исталган қисмида қўлланилиши мумкин. Бу босқичда муаммо ўқувчиларга исталган усулда берилади ва уларнинг фикрлари орқали натижа умумлаштирилиб олинади; 3.Мавзу мазмуни-моҳиятини англаш босқичи. Мавзуга оид хулосавий фикрлар жамланади ва ўқитувчи томонидан янги фикрлар билан тўлдириб борилади; 4.Фикрлаш босқичи. Муҳокама қилинган мавзу юзасидан ўзлаштирилган билим ва тушунчаларни қисқача ёзма баён қилиш тапширилади. Бу топшириқларни бажариш учун синф гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқ бўйича ўз фикрларини ёзади ва ҳар бир гуруҳ вакили бажарилган топшириқни бошқаларга тушунтириб беради. Булардан ташқари гуруҳларга топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, кучли гуруҳларни рағбатлантириб бориш, натижаларни баҳолашга ҳам аҳамият қаратади. Машғулот жараёнида кучли гуруҳ аъзоларини кучсиз гуруҳ аъзоларига алмаштириш ҳам мумкин. Ўқув машғулотларини ушбу кетма-кетликда ташкил этилганида, ўқувчиларнинг креатив қобилияти ривожланиб боради, мустақил фикрлаш кўникмаси ҳосил бўлиб, ижодий тафаккурининг ривожланишига замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Величенко А. Е.. Эволюция религиозно – философских взглядов Ауробиндо Гхоша. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. Санкт - Петербург. 1999.с.16.
2. Никитин О.Д Педагогическая модель креативного развития студентов педагогических вузов. Монография. Москва. Издательство «Музыка», 2017.- с.84.
3. Хужанов Э.Б.Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати, Тошкент,2019.-11 б.
4. Султанова Ў.Н. Техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндошув асосида такомиллаштириш.